O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI
INV.№

Shu aziz Vatan — barchamizniki

ÓZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

2002 YIL 23 MAY
PAYSHANBA
№ 64 (26.923)
1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan.

ХДП ХАБАРИ

ФОЙДАЛИ МУЛОҚОТ

2002 йилнинг 22 май куни Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши ҳузуридаги «Сиёсат» клубининг навбатдаги машғулоти бўлиб ўтди.

Йиғилишда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби Абдулҳафиз Жалолов «Мамлакатдаги парламент ислоҳоти ва Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкилотларининг долзарб вазифалари» мавзуида маъруза қилди.

Суҳбат иштирокчилари Ўзбекистон Республикасининг «Референдум якунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида»ги Конституциявий қонуннинг моҳияти, ХДП ташкилотларининг қонун ҳужжатларини такомиллаштирилишидаги иштироки, ҳудудий партия тузилмаларини ташкил этиш ишини ниҳоясига етказиш борасидаги вазифалар тўғрисида атрофлича фикр юритдилар.

■ **Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати**

ҲУЖЖАТ ИМЗОЛАНДИ

Ташқи ишлар вазирлигида Ўзбекистон Республикаси билан Ҳиндистон Республикаси ўртасида Экстрадиция тўғрисидаги икки томонлама шартноманинг ратификация ёрлиқларини алмашиш тўғрисидаги протокол имзоланди. Ҳужжатга Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов ҳамда Ҳиндистоннинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Бхаскар Кумар Митра имзо чекди.

Президент Ислом Каримовнинг 2000 йили Ҳиндистонга буюрган расмий ташрифи чоғида имзоланган мазкур шартнома икки давлат парламентлари томонидан ратификация қилинди. Ушбу шартномага кўра, бир давлат ҳудудида қонунни бузганликда гумон қилинаётган шахс иккинчи давлат ҳудудида эканлиги аниқланса, жиноят амалга оширилган давлатга қайтариб берилади.

Ҳужжат имзолаш маросимида мазкур шартнома Ўзбекистон ва Ҳиндистоннинг террорчиликка қарши биргаликда курашиши учун кенг имкониятлар очиши таъкидланди.

■ **(ЎзА)**

ДАМ ОЛИШ МАСКАНЛАРИ МАВСУМГА ШАЙМИ?

Вазирлар Маҳкамаси Ижтимоий мажмуида Болаларни ёзги соғломлаштириш ва дам олдириш бўйича республика комиссиясининг кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди. Унда мутасадди вазирлик ва идоралар раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг ўринбосарлари, шунингдек, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши ва унинг ҳудудий уюшмалари кенгашлари раислари иштирок этди.

Мажлисда ўтган йили болаларни соғломлаштириш ва дам олдириш якунлари ҳамда 2002 йил мавсумига тайёргарлик кўриш ва уни талаблар даражасида ўтказиш масалалари муҳокама этилди. Бунда барча турдаги оромгоҳларни фойдаланишга пухта ҳозирлаш, айниқса, ташкилий, тиббий, маданий-маърифий ва таълим-тарбиявий ишларни изчил амалга ошириш, жамоат хавфсизлигини таъминлаш борасидаги чора-тадбирлар белгиланди.

Хусусан, Оролбўйи минтақаси — Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Хоразм вилоятидаги эҳтиёжманд оилаларнинг фарзандларини юртимиздаги энг сўлим, хушманзара оромгоҳларда бепул ҳордиқ чиқаришини таъминлаш режалаштирилди. Шу ўринда айтиш жоизки, ўтган ёзда Президентимиз Ислом Каримовнинг ташаббуси ва Вазирлар Маҳкамасининг «Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишга доир қўшимча чора-тадбирлар ҳамда сув тақчиллиги оқибатларини енгиллаштириш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ ушбу минтақадан жами 20 минг нафардан ортиқ боланинг шундай оромгоҳларда соғломлаштирилиши ва мазмунли дам олиши таъминланди.

Мажлисда давлатимиз келажаги бўлмиш ёш авлод вакилларининг ёзги дам олиш вақтларини янада мароқли ва қизиқарли ўтказиши учун барча қулай шарт-шароитни яратиб бериш юзасидан тегишли вазирлик ҳамда ҳокимликлар мутасадди раҳбарларига зарур кўрсатма ва топшириқлар берилди.

■ **(ЎзА)**

«ДОКТОР ОБИДИЙ ФАРМ» КОРХОНАСИ САМАРҚАНДДА

Яқинда бу ерда чет эллик ишбилармонлар билан ҳамкорликда дори-дармонлар ишлаб чиқарувчи «Доктор Обидий фарм» корхонаси фаолият кўрсата бошлади.

Эронлик доришунос Доктор Обидийнинг дори-дармонлар тайёрловчи корхоналари ўзининг сифатли маҳсулотлари билан наинки Эронда, балки Англия ва Японияда ҳам машҳур.

— Самарқандда фаолият юритаётган корхонамиз инглиз, эрон ва ўзбекистонлик сармоядорлар ҳисобидан барпо этилди, — дейди корхона раҳбари Ганжи Ҳабиб Гаргари. — Эндиликда бу ерда турли хил дори-дармонлар билан бир қаторда бир маротаба ишлатиладиган шприцлар ва парфюмерия маҳсулотлари ҳам ишлаб чиқарилади. Келгусида дорихона «малҳам»лари ҳажми олти марта оширилиши кўзда тутилган. Бу эса корхона ишчиларининг сони 400 нафарга ошишини таъминлайди.

Суратларда: (чапдан) доришуносслар — Аббос Усафий ва Сохибий Кофий янги препарат сифатини кўздан кечирмоқдалар; доришуносслар Роя Фуршаобий билан Нозанин Шахбозий иш устида.

■ **Т. НОРҚУЛОВ (ЎзА) олган суратлар**

DUNYO
VOQEALAR YANGILIKLAR XABARLAR

ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАР ҚИСҚАРТИРИЛАДИ

Россия ҳарбий идоралари тарқатган манбаларда маълум қилинишича, уч йил давомида Россия қуролли кучлари таркибидаги ҳарбий хизматчилар сони қисқартирилиб, бир миллионтагача туширилиши кўзда тутилмоқда.

Шу кунларда ҳарбийлар таркибида қанча аскар ва зобитлар борлиги ҳақида расмий маълумот ошкор этилмаяпти, бироқ экспертлар берган маълумотларга кўра, 2001 йилнинг бошларида Россия қуролли кучлари таркибида ҳарбий хизматчилар сони 1,26 миллион киши атрофида бўлган.

ИҚТИСОДИЙ ЁРДАМ «МУЗЛАТИБ» ҚЎЙИЛДИ

АҚШ Югославияга иқтисодий ёрдамини «музлатиб» туришга қарор қилди. Бу ҳақда АҚШ давлат котиби Колин Пауэлл Сербия бош вазири Зоран Жинжичем билан учрашгач, баёнот берди. Аввалроқ АҚШнинг Югославия билан иқтисодий ҳамкорлиги айрим сабабларга кўра тўхтатилган эди. Яъни Гаага трибунали сиёсий маҳбуслар ишини кўриб чиқишда АҚШни ҳам «аралаштириши» лозим эди. Буни АҚШ талаб қилиб, 31 мартгача муддат белгилаган эди. Бироқ Югославия талаб юзасидан қилиниши лозим бўлган вазифаларни муддатида бажаролмади.

ЧЕГАРАДА КЕСКИНЛИК

Икки ойдан буён Ҳиндистон билан Покистон чегараларида сақланиб турган кескин вазият сўнгги пайтда янада хавфли тус олди. Тўрт кундан буён икки мамлакат қўшинлари бир-бирини замбараклардан ўққа тутмоқда. Қурбонлар ҳам бор. Чегарага яқин ҳудудларда яшаётган аҳоли шошилинч равишда уй-жойини тарк этиб, хавфсизроқ жойларга кетмоқда. Қочқинлар сони ўн мингдан ошди.

Чегарада юзага келган вазиятнинг кескинлигини яна шундан ҳам билса бўладики, сешанба кундан бери мамлакат бош вазири Атал Биҳари Важпаи Жамму ва Кашмир штатларида юрибди. Унинг сафари бугун якунланади. У қўшинларнинг жанговар ҳолатини ўз кўзи билан кўриб, вазият билан яқиндан танишди.

Урушнинг олдини олиш учун уринишлар ҳам сусайгани йўқ. Яқинда АҚШ Ҳиндистон билан Покистон ўртасида сақланаётган кескинликдан ташвиш билдириб, минтақага давлат котиби Колин Пауэллнинг Жанубий Осиё масалалари бўйича ўринбосари Кристина Роккани жўнатган эди. У Исломобод ва Дехлида учрашувлар ўтказди. Гарчи, унинг сафари АҚШ ҳукуматининг таъбири билан айтганда, «анча самарали» кечган бўлса-да, кўзланган мақсадга эришилмаган чоғи, энди Колин Пауэллнинг ўринбосари Ричард Армитиж ҳам Ҳиндистон билан Покистонга йўл олади.

ВАЗИРЛАР УЧРАШУВИ

Малайзия пойтахти Куала-Лумпурда АСЕАНга аъзо мамлакатлар ички ишлар вазирларининг учрашуви бўлиб ўтди. Бу ерда Жануби-Шарқий Осиё минтақасининг ўндан ортиқ давлатидан келган вакиллар полиция, божхона ва муҳожирлик хизмати идоралари ўртасида ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш масаласини муҳокама этдилар.

ҚЎШИН КЕЛТИРИЛДИ

Покистон Афғонистон чегарасига яқин жойга саккиз минглик қўшин жойлаштирди. У Покистон ҳудудига яширинча киришга уринаётган «Ал-Қаида» ва «Толибон» жангарилари йўлига тўсиқ бўлиши керак.

ВАЛЮТА ТЕЖАЛАДИ

Бухоро минтақавий стандартлаштириш, метереология, сертификатлаш марказида газ ўлчагичларни намунавий қиёслаш лабораторияси ишга тушди. Илгари бу иш Украинанинг Ивано-Франковск шаҳрида амалга оширилиши туфайли анча харажат талаб этарди. Мазкур лаборатория Бухорогагина эмас, балки республикамизнинг бошқа вилоятларига ҳам хизмат кўрсатиши ҳисобга олинса, харажатлар икки ҳиссага камаяди.

■ **Даврон БАҲРОНОВ**

БИЗ БИЛГАН ВА БИЛМАГАН ТАРИХ

КАРМАНА — ШАҲАРЛАРНИ БОҒЛАГАН МАСКАН

«...БУ ЕРДАГИ ҲАР БИР ОБИДА, КАРВОНСАРОЙ ВА РАБОТ БИЗ УЧУН МЎЪТАБАР БЎЛИБ, УЛАРНИ АСРАБ-АВАЙЛАШИМИЗ, ЎРГАНИШИМИЗГА ДАЪВАТ ЭТАДИ»

Республикамиз Президенти бу сўзларни 1999 йил 16 декабрда Навоийда бўлганида айтган эди.

Ундан бир йил илгари эса Юртбошимиз (1998 йил 11 ноябрда) Кармана шаҳрининг ёшини аниқлаш зарурлиги ҳақида ҳам гапирган эди.

Шундан сўнг кўп ўтмай 1999 йил Кармана Навоий шаҳри таркибига кирувчи туман деб эълон қилинди. Шундан сўнг улкан бунёдкорлик ишлари бошланди. Азиз улуғларимиз Қосим Шайх Азизон, Мавлоно Ориф Деҳгароний, Хўжа Хисрав, Темир Шайх, Мир Саид Баҳром зиёратгоҳлари тикланди.

Кармана шаҳри. Мир Саъид Баҳром мақбараси. 1020 йил атрофида.

Аслини олганда, 1930, 1960, 1980-йиллардаги турли хил экспедициялар, айрим ўлкашунослар, геолог ва тарихчиларнинг муайян даражадаги тадқиқотларини ҳисобга олмаганда Кармана ўтмиши асрлар қаърида сирлигича қолиб келди.

Афсуски, шаҳар ҳақида VIII асргача ёзма манбаларда қайд этилган ўринлар йўқ. Бу, албатта, маълум маънода ёзув тарихи билан ҳам боғлиқ. Ҳозирча бизга маълум эронлик тарихчи Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Жарир ат-Табарийнинг 712 йилда ёзилган «Тарих ар-расул вал-мулук» («Пайғамбарлар ва ҳукмдорлар тарихи»), араб жўғрофшуноси Истахрийнинг (X аср) 983 йилда ёзилган «Ҳудуд ул-олам» («Олам чегаралари»), Муҳаммад ибн Жаъфар Наршахийнинг «Бухоро тарихи», Муҳаммад Вафо Карминагийнинг «Туҳфайи хоний» («Хонлар совға»си) каби бир қатор асарларда Карманага оид қимматли маълумотлар берилган. Бироқ, уларнинг барчасида ҳам шаҳар ёши ҳақида аниқ хулоса ёки илмий фаразни учратмаймиз.

(Давоми 2-бетда)

ОЛИЙ МАЖЛИСДА

ҚОНУН ҲАММА УЧУН ТУШУНАРЛИ ТИЛДА БЎЛМОҒИ КЕРАК

Ўзбек ҳужжатчилигини шакллантириш ва такомиллаштиришдаги энг муҳим долзарб масалалардан бири уларнинг тили ва услуби масаласидир. Шу ўринда ҳужжатлар матнини тузиш бошқарув аппарати фаолиятидаги энг сермеҳнат ва сермашаққат жараён эканлигини алоҳида таъкидлаш керак.

Куни кеча Олий Мажлисда Норматив-ҳуқуқий атамалар комиссияси ҳамда Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси, Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари қўмитаси томонидан ташкил этилган илмий-амалий семинарда «Ўзбек тили ва қонун ижодкорлиги муаммолари» мавзуида мулоқот бўлиб ўтди.

Бугунги кунда Олий Мажлисда Норматив-ҳуқуқий атамалар комиссияси, Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Атамашунослик қўмитаси фаолият юритмоқда. Анчагина ижобий натижаларга эришилди. Лекин ҳали бу борада қиладиган ишларимиз кўплигини барчамиз тушунамиз. Она тилимизнинг беқиёс имкониятларидан тўлиқ фойдалана олганимиз йўқ. Илмий-амалий семинарда бугунги кунда қабул қилинаётган қонун ҳужжатларидаги тил қоидаларининг аҳволи, халқаро ҳужжатлардаги атамаларни ўзбек тилига таржима қилиш муаммолари, қонун тилини такомиллаштириш масалалари юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Семинар иштирокчилари ҳар қандай қонун халқ учун ёзилган экан, у оддий халқ томонидан осон тушуниладиган бўлиши кераклиги, шу боисдан, қонунда нормаларнинг тўғри танланиши билан бирга тил қоидалари ҳам тенг даражада устувор бўлиши лозимлигини айтиб ўтдилар.

Семинар иштирокчилари, қонун ҳамма учун тушунарли тилда бўлмоғи кераклигини алоҳида таъкидладилар.

■ **Фарруҳ ҲАМРОЕВ**

«НЕФТЬ ВА ГАЗ»: ХАЛҚАРО АНЖУМАН ВА КЎРГАЗМА

Пойтахтимизнинг «Интерконтиненталь» меҳмонхонасида бугун «Ер қобиғида нефть-газнинг шаклланиши ва нефть-газ тўпланишининг геодинамик ҳолати» мавзуида халқаро илмий-техник анжуман ва «Нефть ва газ» кўргазмаси (OGU-2002 UZBEKISTAN) очилади. Икки кун давом этадиган ушбу анжуман ва кўргазма «Ўзбекнефтегаз» миллий холдинг компанияси, Россия Фанлар академиясининг геология, нефть ва газ конларини ишлаш муаммолари бўйича илмий кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳамда халқаро «ITE Group Plc» (Буюк Британия) фирмаси томонидан ташкил этилган бўлиб, унда мазкур соҳанинг таниқли олимлари, мутахассислар, 30 дан ортиқ компания вакиллари иштирок этади.

Халқаро анжуманда нефть-газли чўкинди ҳавзаларнинг тадрижий геодинамик моделлари, нефть-газли алоҳида ҳудудлар ва минтақалар истиқболини баҳолашнинг геодинамик белгилари, ер қаъринги нефть-газлилиги геодинамик белгиларини ҳисобга олган ҳолда нефть ва газ геология қидирув ишлари стратегияси каби қатор муҳим илмий муаммолар кўриб чиқилади. Бу эса шубҳасиз, ноанъанавий минтақавий геодинамик тузилмалар доирасида янги нефть ва газ конларининг очишга ёрдам беради.

■ **Алишер РЎЗИЕВ**

САРМОЯДОРЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ МУҲОФАЗАСИ

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида «Хорижий инвестициялар ва хорижий инвесторлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича қонунчиликни такомиллаштириш муаммолари» мавзусида республика илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиз иқтисодиёти учун муҳим бўлган мазкур жараён муҳокама қилинди.

Конференцияда иштирок этган Адлия, Молия вазирликлари, Миллий банк мутахассислари, шунингдек, мамлакатимизда фаолият юритаётган қўшма корхона вакиллари бу борада мавжуд муаммоларни бартараф этиш йўллари ҳақида ўзаро фирк алмашдилар. Республикамизда инвесторлар оқимини тобора кўпроқ жалб этиш учун чет эллик сармоядорларга яратилган имтиёзлар, қонунларни янада эркинлаштириш борасида олиб борилаётган изланишлар ҳам таъкидлаб ўтилди.

■ **Ўз мухбиримиз**

МАТБУОТ ХОДИМЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВ

Сирдарё вилояти ҳокимлигида оммавий ахборот воситалари ходимлари билан учрашув бўлиб ўтди. Учрашувни вилоят ҳокими Алишер Исроилов бошқарди. Унда вилоят ҳокимининг ҳамда барча шаҳар, туман ҳокимларининг ўринбосарлари, қатор вилоят ташкилотларининг раҳбарлари ҳам иштирок этдилар. Вилоят ҳокимининг ўринбосари Камолиддин Оқбўтаев Сирдарёдаги оммавий ахборот воситаларининг бугунги аҳволи ҳақида таҳлилий маъруза қилди. Ҳозирги пайтга келиб вилоятда 31 та турли газета, иккита телестудия, вилоят радиоси фаолият кўрсатмоқда. Бироқ уларнинг ишларидан қониқиш ҳосил қилиш қийин. Туман газеталарининг даврий чиқишлари камайиб кетмоқда. Вилоят «Сирдарё ҳақиқати» ва «Сирдаринская правда» газеталарининг умумий савияси бугунги кун талабига жавоб бермайди. Матбуот нашрлари, телекўрсатув, радиоэшиттиришлар ҳаётдан ортда қолаётир. Учрашувда ана шу каби камчиликларни бартараф этиш, матбуот соҳасида йиғилиб қолаётган иқтисодий муаммоларни ҳал этиш, обуна масалалари ва шу каби долзарб вазифалар хусусида жонли фикр юритилди ва амалий чоралар кўришга келишиб олинди.

■ **Абдужалил УМАРОВ**

ҲУҚУҚ ВА БУРЧ

ҲАҚ СЎЗ ҲАМИША ҒОЛИБ

Одамлар бугунни турфа рангда кўришди, кўришмоқда. Бу — ички дунёмиздаги ўзгаришлар оқибати. Ҳамма замонларда ҳам тараққиёт сўқмоқлари шундай очилган. Бундан кейин ҳам қатма-қат, узлуксиз давом этувчи йўлдир бу кўҳна йўл.

Ўтган кунларга назар ташлаганда фаросатли инсон, бугунги сўқмоқ йўлнинг бошида юрувчиларга анча оғир, мураккаблигини бир қарашда билади, ҳис қилади. Чунки бугуннинг жангу жадаллари туялар карвонида, отлар дупури, қиличлар жарангида кечмайди. Инсоният ақли, фикри шунчалар мураккаблашиб, олдга кетдики, у ўтирган курсисида Ер шарининг қоқ бир нуқтасида ўлжасини мавҳ қилишга шайланган қоплон боласининг ҳаракатларини ҳам кузатишга қодир. Ана шундай замонда яшаган бугунинг одами бугундан қолиб, танҳо яшашга ҳаққи йўқ. Яшай олмайди ҳам!

Яшаш учун кураш курт-қумурсқалардан тортиб, паррандаларгача, ҳайвонот дунёсидан инсониятгача — ҳаммаҳаммасида доимий кураш бўлиб келган. Хўш, биз бу давомийликни қандай тушунамиз: қадим тарихимизда одамнинг пайдо бўлиши ва секин-аста соддаликдан мураккаблик сари ўсиб борганлиги босқичма-босқич, тарихий ҳақиқат ила ёритилганлиги мактаб партасида ўтирган болакайга ҳам аён.

Ўн саккизинчи асрнинг бошларида Россия давлатининг ҳукмдори олдига борган Хўжа Нафас, «Амударё ўзанларида сочма олтин бор», дея ҳукмдорни ишонтирган бир паллада, Туркистон ўлкасидаги амиру хонлар бир-бирлари билан келиша олмай, халқнинг турмуш тарзини оғир аҳволга солиб қўйишган давр эди.

Яна эсланг, Туркистон ўлкасидаги ички низолар ташқи душманнинг аралашувига сабаб бўлди. Натижада Пётр I нинг севимли князларидан бири бўлмиш Бекович Черкасскийнинг Хоразм воҳасида ўлдирилиши, Пётрнинг сўнгги армонига айланиб, унинг ворислари парокандаликка учраган Туркистон ўлкасини осонгина босиб олишга муяссар бўлишди.

Бугунги Қозоғистон ҳудудида жойлашган Оқмачит қалъасини Перовский қўшинлари томонидан ишғол қилинишидан йигирма уч йил ўтиб — 1876 йилда Туркистон ўлкасининг сўнгги хонлиги бўлмиш Қўқон хонлиги Россиянинг мустамлакасига айланди ва бу ўлка халқларининг асл фарзандлари қириб ташланиб, сургун қилиниб, ҳокимият босқинчилар қўлига ўтди.

Биз бу тарихий ҳақиқатларни бежиз эслаётганимиз йўқ. Бу аччиқ ҳақиқат кейинги юз йиллик ичида халқни қуллик даражасига олиб келиб қўйганди. Оқлар ўрнига қизиллар келди. Айтишадику, «оқ ит, қора ит, бари бир ит». Босиб олинган юрт халқларини хўрланишлари, қафасда қолишлари — бошқа тузум, янги ғоя билан ўзгармади, балки «ёмғирдан қутулиб, дўлга тутилгандай» йилдан-йилга ёмонлашиб бораверди...

Ана шу қамал ҳолатидан бизни мамлакатимиз осмонида эсган озодлик шамоли қутқариб қолди. Узоқ йиллар бир қозиқ атрофида айланган от ҳеч қачон далаларни, майсаларга қўмилган кенгликларни ҳис қилмайди. Чунки ўша қозиқдан бўшатиб юборилганда ҳам ички бир бўйсуниш билан ўша қозиқ атрофида айланаверади.

...Ўтган асрнинг 90-йиллари боши кечинмаларини кўз олдингизга келтиринг: мамлакатимиз озодлиги эълон қилинмоқда, Президентимиз «ўлкамиз озод бўлди» деганда залда ўтирган айрим кишиларнинг бу улуғ кунни лоқайдлик ёхуд ҳадик билан кутиб олганлиги ҳеч ёдимдан чиқмайди. Бу карахтлик ўша қозиқ атрофида айланган отни қозиқдан бўшатилгандан кейинги ҳолатидан ҳечам фарқи йўқ эди.

Халқимизда «ўсадиган эл бир-бирини ботирим» деганларидек, ботирликка интилишнинг ўзида озод юрт фарзандининг қалб ҳарорати бўлади. Ҳар қандай жамиятнинг бурилиш нуқталарида маълум бир эврилишлар, дарз кетишлар, парокандаликлар бўлгани каби, бу ҳолат биз истиқлолга эришган дамларда ҳам ўзининг шакл-шамойилини кўрсатди. Биз барчамиз ана шу ўтган кунларнинг гувоҳимиз, шоҳидимиз.

Кечагидай эслайман, 1991 йилнинг иккинчи ярмида республикамизнинг Наманган вилоятида Тоҳир Йўлдош гуруҳининг фаол иштирокчиси раҳбарларидан бири, «Адолат» уюшмасининг етакчиси Сотимов Ҳакимжоннинг иши кўрилганди. Суд жараёни Сирдарё вилоятининг Гулистон шаҳрида бўлди. Ана шу суд жараёнида бу кимса халқимизни чалғитиб, қанча-қанча жиноятларни «Адолат» ниқоби остида оширганлигининг гувоҳи бўлганмиз. Гапсўзлари телба-тескари, ҳатто олдида ўтириб чой ичишга ҳазар қиладиган бу одам қандай қилиб шунча одамни бошини бирлаштириб, ортидан олиб юрганлигига ҳайратланган эдик. Кейинчалик тергов жараёнида бу кимсанинг ортидан эргашганлар хат-саводи ҳаминқадар, содда, гўл одамлар эканлиги ошкор бўла бошлади. Сотимов Ҳакимжонга ўхшаганлар ана шу содда одамлар кўнглига ғулғ солиб, бирига у мансабни, бирига бу мансабни ваъда қилиб, маҳалласи, шаҳрида тинч аҳолини қўрқув ҳолатига солиб, ўзининг қабиҳ ниятини амалга ошириш учун ҳар қандай жиноятдан тоймаган эдилар.

Мен бу воқеаларни бежизга эсламаяпман. Инсон ҳамма замонларда тилсимли дунёни кўришга орзуманд бўлиб яшаган. Бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолаверади. Чунки бу табиий жараён. Хўш, ўша йиллари Ҳакимжонга ўхшаганлар ортидан нечун бу одамлар эргашди? Сабаби яна бориб ўтмишга тақалади: бир пайтлари Чор Россиясининг генералларидан бири бўлмиш — Қўқон хонлиги, Хива хонлигини олишда жонбозлик кўрсатиб, Туркманистоннинг Гиёҳ тепасида туркман халқини ялпи қирғин қилган жаноб Скобелев «Туркистон ўлкаси халқини тарихидан, маданиятидан, урф-одатларидан, динидан мосуво қилсанг бўлгани. Ўз-ўзидан ҳақиқий қулларга айланишади-қолади», деган эди. Бу гап қанчалик ҳақ-ратомиз, таҳқирли бўлмасин, айтилган гап эди. Бизни худди шу йўл билан томиримизни қирқишмоқчи бўлишди.

Ҳар қандай улуғ, буюк ишлар илк пойдевордан бошланади. Пойдеворни мустаҳкамлиги мамлакатимиз раҳбари айтганидек, «руҳнинг бақувватлиги» билан ўлчанади. Тўғрисиям, руҳи бақувват одам турли томон чалғимасдан, ўз йўли, ўз манзили томон дадил қадам ташлайди. Мамлакатимиз Президенти «Пахта иши»да жабрланганларнинг ишини қайта кўриб чиқишга фармон берганда комиссия ишида қатнашганим ҳали-ҳали эсимда.

...Қора курсида ўтирган гуноҳсиз гуноҳкорларга қараб ҳайратга тушардик. Уларнинг бири колхозда бригада бошлиғи, бири сувчи бўлиб ишлаган оддий меҳнаткаш одамлар эди. Ана шу жафокаш одамлар давлат мулкини талон-торож қилишда айбланиб, 10-15 йил қамоқ жазосига ҳукм қилинганди. Уларнинг синган бахтини, эгилган бошини кўрганинг сайин юрагинг ларзага келарди: қандай қилиб бу ғариб одамлар ашаддий жиноятчи бўлиши мумкин? — сўрардик ўзимиз ўзимиздан.

Ўзининг омонат жонини ҳимоя қилиш учун бутун бошли миллат пешонасига қора доғ чаплаган ўша кездаги ҳукумат раҳбарини ким деб аташ мумкин эди? Ҳеч ким!.. Ўша йиллари Республика Олий Кенгаши қошида тузилган «Пахта иши» комиссиясида (аъзо бўлиб) қатнашиб, 86 та жиноят иши бўйича дастлаб 240 нафар юртдошларимизни оқлаш тўғрисида протест тайёрлаганмиз.

Кейинчалик бу рақам шахсан муҳтарам Президентимиз ташаббуси билан ўн минглаб нафарга етганини афкор омма яхши билади.

Мана, бугун биз тўғри йўлдан борганлигимизни дунё тан олмоқда, тан бермоқда. Аммо, бу равон йўлга етиб келгунча қанча-қанча ғаниллар йўлимизга тўсиқ бўлиб, қанча-қанча туҳматлар, бўҳтонлар қадди энди тикланаётган юртимиз оёғига болта бўлиб урилмади, дейсиз?!

1999-2000 йилларда Фарғона, Андижон ва Тошкент вилоятида «Хизбут-таҳрир» номи билан аталган диний экстремистик оқимга кириб, Ватанимиз мустақиллигини ичдан бузишга ҳаракат қилган ва бу йўлда ҳар қандай жиноятдан қайтмаган одамларнинг тергов сўроқлари давомида юрагига қулоқ тутганимизда, битта ҳақиқатни англаганмиз: бу — «Хизбут-таҳрир»чиларнинг ҳокимият учун кураш олиб борганлиги эди. «Сизни бу йўлга киришингиздан мақсадингиз нима эди», — деб сўрадик ўшанда уларнинг биридан. У эса: «Менга хўжалигимиздаги буғдой бригадасини олиб беришни ваъда қилишганди», — деди мўлтираб.

Бу — фожиа, улкан, мудҳиш фожиа эди! Ана шу фожиали ақли заифликдан ғанилларимиз усталик билан фойдаланишди ва ўз юртига, халқига билиб-билмай душманга айланган одамларни «тарбиялашди». Бундай манқуртлашган тўдалар ҳар қандай ақлли душмандан-да хавфлироқ эди.

Ана шу душманлик Сурхондарё вилоятининг Сариосиё, Узун туманларида ўзининг ҳақиқий башарасини кўрсатганлиги ва халқимизни катта ташвишга солиб қўйганлиги ҳеч кимга сир эмас. Мана шу икки туманда содир бўлган жиноят ишлари ҳам бизнинг Сирдарё вилоятимизда кўрилиб, жиноятчилар одил жазоларини олишди. Бир-бирига яқин, ўхшаш бу жиноятларнинг ҳам таг заминида битта ҳақиқат, халқнинг ишонувчанлиги, соддалиги, ҳуқуқий билимнинг пастлиги эди. Ғанилларимиз ана шу оғриқли нуқтани яхши билишди ва шу оғриқдан ўз манфаатлари йўлида фойдаланишди. Ёдингизда бўлса, 16 февралнинг фожиалари юртимизнинг қанча-қанча фарзандларини бу ёруғ оламдан олиб кетмади, дейсиз. Унинг жароҳатлари ҳамон битганича йўқ. Бундай фожиалар дунёнинг ҳар бир нуқтасида ўзининг ёвуз башарасини кўрсатиб турибди. Бунга икрор бўлиш керак. Хўш, ўзингни кучинг бу бало-қазога етмагач, сенга хайрихоҳлик билан қўл чўзувчиларни нега кўкрагидан итаришинг керак?

Шунча йиллар Афғонистон тупроғига уя қурган террористларни чилпарчин қилиб ташлаган АҚШ ҳарбийларининг маҳоратини, тактикасини, қудратли техникасини тан олмасдан иложимиз йўқ. Улар дунё халқларини қўрқувга солиб, ҳаммаларнинг юрагини олиб қўйган бало-қазога қарши қатъий ва кескин курашдилар, енгдилар!

Шарқда яхши бир одат бор. Туппа-тузук юрган одамга нопок одамнинг насиҳатлари жуда ғалати туюлиб кетади. Одамларимиз айтади-ку, «олдин ўзингга боқ, кейин ноғора қоқ». Олдин ўзимизга ҳам қарайликда... Тан олиб, бор ҳақиқатни ҳақиқатлигича айтмоғимиз зарур.

Афғонистон тупроғида уя қуриб, бутун бошли мамлакатларни ул томондан, бул томонга суриб ўйингоҳга айлантириб қўйган террористларга Америка давлати бас келмаганда ўзга ҳеч бир давлат бу савобли ишни амалга оширмаган бўлур эди.

Мамлакатимиз халқларини ғанилларимиздан огоҳ бўлишга чақирган Президентимиз овозига нафақат биз, бутун дунё халқлари ҳам қулоқ тутишганда эди, АҚШдаги 11 сентябрь фожиаси ҳам содир этилмаган бўлурмиди?!

...Ана шулар ҳақида ўйлар эканмиз, Тинчликни, Осойишталикни асраш, маънавиятимиз ва бурчимизни юксак даражада англаш, ҳуқуқий онгимизни муттасил ошириб бориш — ҳар биримизнинг иймон-эътиқодимиз бўлиши лозимлигига имон келтирасан, киши. Ҳақ сўз ҳамиша ғолиб-да!

■ **Шавкат ҲАҚНАЗАРОВ,**
ҳуқуқшунос

ЎзХДП МК МАТБУОТ ХИЗМАТИ ХАБАР ҚИЛАДИ

ПЛЕНУМ, ЙИҒИЛИШ ВА МАЖЛИСЛАР

ХДП Фарғона шаҳар кенгашининг пленуми бўлиб ўтди. Унда «Мамлакатимиз Президенти И.А.Каримовнинг иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси саккизинчи сессиясидаги маърузасидан ва Ўзбекистон ХДП МК IV пленуми қарорларидан келиб чиқадиган вазифалар ҳақида»ги масалалар муҳокама этилди. Унда шаҳар партия кенгашининг биринчи котиби О. Шарипова маъруза қилди.

Пленум ишида ХДП Фарғона вилояти кенгаши биринчи котиби А. Игамбердиев ва шаҳар ҳокими Р. Болтаевлар сўзга чиқдилар.

Юқоридаги масала, шунингдек, **ХДП Учқўприк, Бувайда, Мирзо Улуғбек ва Бектемир туман кенгашларининг** навбатдаги пленумларида ҳам муҳокама этилди.

Қувасой шаҳар партия кенгашининг пленумида асосий эътибор жойларда партиявий-ташкилий ва мафкуравий ишларнинг таъсирчанлигини ошириш, уларни аниқ йўналишда ташкил этишга қаратилди. Унда туман партия кенгашининг биринчи котиби Т.Илёсовнинг маърузаси муҳокама этилди. Музокаралар иштирок этган партия фаоллари демократик ислоҳотларнинг янги босқичида партия ташкилотлари олдида турган вазифалар тўғрисида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

САХОВАТ ИШЛАР

Шу кунларда **Жиззах вилояти ҳокимлиги, ХДП Жиззах вилоят кенгаши, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши** ҳамкорлигида, 300 нафар иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларининг Термиз шаҳрига сафарларини ташкил этди.

Жиззахлик нуронийлар зиёрат давомида Термиз шаҳридаги Археология музейи, «Алпомиш» мажмуаси, «Мустақиллик» ва «Хотира» хиёбонлари, Ал-Ҳаким ат-Термизий мақбараси ва бошқа тарихий жойларда бўлдилар, Сурхондарё вилоятида хизмат қилаётган Ватан ҳимоячилари — юртдош аскарлар билан учрашдилар.

Шунингдек, Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан, уруш ва меҳнат фахрийлари вилоятдаги энг катта қурилиш мажмуаси — Арнасой сув омбори қурилишида бўлиб, у ерда Мирзачўл, Арнасой, Дўстлик туманларини сув билан таъминланиш учун амалга оширилаётган улкан ишларни гувоҳи бўлдилар.

Сирғали туманидаги «Новатор» ишлаб чиқариш корхонаси ХДП бошланғич партия ташкилоти ташаббуси билан, 26-сайлов округида истиқомат қилувчи, бир гуруҳ уруш қатнашчиларининг уйларига йўқловлар ташкил этилди.

Олий Мажлис депутати, мазкур корхона раҳбари А. Матвеев кексалар билан суҳбатлашди ва уларга совға-саломлар топширди.

Партия **Янгийўл шаҳар кенгаши** ҳам 17 нафар уруш ва меҳнат фахрийларининг уйларига йўқловлар ташкил этди. Шу кенгашнинг аъзоси — тадбиркор Н. Мираҳмедова, «Мезон» маҳалласида истиқомат қилувчи, уруш ва меҳнат фахрийларига 50 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатди.

Бўстонлиқ туман партия кенгаши 10 нафар партия аъзолари, уруш қатнашчиларини, Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан, совға-саломлар билан йўқладилар.

Бундай тадбирлар **Чирчиқ шаҳар ва Зангиота, Қибрай, Шаҳрихон туман партия кенгашларида** ҳам бўлиб ўтди, кекса партия аъзоларининг ҳолидан хабар олинди, уларга совғалар топширилди.

ЎзХДП Фарғона шаҳар кенгаши иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва, йигирма йилдан буён фаолият кўрсатиб келаётган, «Фронтдош дугоналар» клуби аъзоларини «Турон» кафесига «бир пиёла чой»га таклиф этди. Кеча давомида фахрийлар уруш тафсилотларини яна бир бор эсга олдилар, бугунги кун қадр-қиммати қанчалик азизлиги ҳақида тўлқинланиб гапирдилар, бундай тадбир кексаларни эъзозлаш билан бирга, ёшлар маънавиятига ҳам ижобий таъсир кўрсатишини таъкидладилар. Санъаткорларнинг ижро этган куй-қўшиқлари ва рақслари даврага кўтаринкилик бахш этди. Тадбирда ХДП Фарғона вилоят ва Фарғона шаҳар кенгашлари биринчи котиблари — А.Игамбердиев ва О. Шариповалар иштирок этдилар.

ХДП ХАБАРИ

ОИЛА, ЖАМИЯТ ВА АЁЛ

Ўзбекистон ХДП Акмал Икромов туман кенгаши туман хотин-қизлар қўмитаси ва Тошкент шаҳар «Лидер аёллар маркази» билан биргаликда «Демократик жамият йўлида» туркумидаги «Сиёсат ва аёллар», «Жамият ва оилада одоб-ахлоқ тушунчаси» мавзуларида ўқув-семинар ўтказди. Семинарда ЎзХДП Марказий Кенгашнинг матбуот котиби Ёқутхон Исҳоқова, Тошкент шаҳар «Лидер аёллар маркази»нинг раҳбари Маҳбуба Эргашева, инсон ҳуқуқлари бўйича Олий Мажлис комиссиясининг аъзоси Дилфуза Ғуломова, республика «Меҳри» нодавлат-нотижорат ташкилоти вакили Наима Холмуҳаммедовалар иштирок этишди. Учрашувга туман корхоналарининг бошланғич партия ташкилотлари котиблари, маҳаллалар хотин-қизлар қўмиталарининг раислари, турли ўқув-билим юртларининг раҳбарлари таклиф этилди.

Семинарда жамият учун долзарб бўлган муаммо ва масалалар юзасидан турли фикр, таклиф ва мулоҳаза билдирилди.

■ **Озод ХОЖИМУҲАММЕДОВ,**
ЎзХДП Акмал Икромов туман кенгаши котиби.

«IVAX» ЎЗБЕКИСТОН БОЗОРИДА

Америка Қўшма Штатларидаги дори-дармонлар ишлаб чиқарувчи энг йирик «IVAX» корпорацияси маҳсулотлари — «Новопассит», «Санорин», «Стоптуссин» ва бошқалар мамлакатимизда яхши таниш. Зеро, улар жаҳон андозалари даражасида тайёрланганлиги, юксак сифатлилиги билан ажралиб туради.

Бир асрдан кўпроқ тарихга эга бўлган корпорация мустақил мамлакатимизда ўзининг доимий ваколатхонасини очди.

Дарвоқе, Америка компанияси бутун жаҳон бўйлаб 30 дан ортиқ завод ва филиалга эга. Унинг 6 мингдан ортиқ ходими саломатлик йўлида фаолият кўрсатмоқда.

■ **Абдуғани МАМАСОДИҚОВ**

БИЗ БИЛГАН ВА БИЛМАГАН ТАРИХ

КАРМАНА — ШАҲАРЛАРНИ БОҒЛАГАН МАСКАН

Карвонсаройнинг асосий пештоқи. Работи Малик. XI аср.

(Давоми. Боши 1-бетда)

Таниқли олим Ҳ. Ҳасанов ўз тадқиқотларида Кармана номи «Эски манзилгоҳ, эски қишлоқ» деган маънони англатади, деб ҳисоблайди. Ёки Наршахий «Бухоро тарихи» китобида араблар бу манзилни «Бодяйн хурдак» (кўзача) деганлар деса, рус олими В. Бартольд «Географический очерки» («Жўғрофий очерклар») китобида Зарафшон соҳилидаги бу шаҳарни Арманистонга ўхшаш бўлгани учун араблар «Ки Арменита» деб атаганлар, дея тахмин қилади. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти профессори, таниқли олим М. Исҳоқов эса бу номни «Катта йўл ўртасида жойлашган шаҳар», ёки милоддан аввалги IV-III асрларда «Шаҳарни шаҳарга боғлаб турувчи йўл» маъносини англатади», деб изоҳлайди. Профессор М. Мирзаев Кармана сўзини «Кўрмана» («совға») маъносидан келиб чиққан бўлиши ҳам мумкин, деган фаразни билдиради.

Эсингизда бўлса, Президентимиз Бухоронинг 2500 йиллик тантанасида: **«Бу табаррук тупроққа милоддан олдинги VI асрда юнонлик Искандар Зулқарнайн, милодий VII асрда араблар, XIII асрда Чингизхон, XIX асрда эса рус истилочиларнинг тажовузлари не-не кулфатлар келтирмади»,** — деб таъкидлаган эдилар. Дарвоқе, бундай босқинлардан Кармана ҳам четда қолмаган. Эрон босқинчиларига қарши курашган Тўмарис, Широқ, юнон босқинчиларига бош кўтарган Спитамен, мўғулларни довдиратган Маҳмуд Таробий Кармана атрофида жанг қилганлигига тарих шоҳидлик беради. Милоддан аввалги V асрнинг бошида яшаган суғдлар (Зарафшон водийсида) Марказий Осиё Эрон таркибига кирган. Ўшанда бу ерларда зардуштийлик кенг тарқалган бўлиб, вужудга келиши 3000 йилга бориб тақаладиган зардуштийликнинг илк излари ва белгилари Кармана ҳудудида ҳам сақланиб келинаётганлиги шаҳар ёшини аниқлашга бирмунча ёрдам берса керак, деб ўйлаймиз.

Ҳозир Карманага туташ — Навоий тумани «Хазора» жамоа хўжалигидаги Деҳқарон жомеъ масжидини рус археологи Р.Шишкин ўзининг «Архитектурный памятники Бухара» («Бухоронинг меъморий ёдгорликлари») китобида VIII-IX асрларда қурилган деб аниқ кўрсатади. Дарвоқе, масжид мажмуаси пахса ва пишиқ ғиштдан оташпарастлик услубида ҳайратли тарзда қурилган. «Деҳқарон» форсча — қозон қуювчи, қозон устаси деган маъноларни билдириб, оташ билан металл эритувчи бундай усталарнинг келиб чиқиши Хоразмда бўлган. Уларнинг излари Ватанимиздан ташқари Эрон ва бошқа давлатларга тарқалганлиги ҳам аниқланган. Обида ҳақида дастлаб рус олими А. Якубовский 1930 йилда шуғулланиб, уни Бухородаги Исмоил Сомоний мақбарасидан ҳам қадимийроқ деб ёзганди.

Яна бир муҳим қараш: эрамиздан олдинги IV асрда Искандар Зулқарнайндан катта талафот кўрган сўғд шаҳарларидан бири Кармана эканлиги ҳам тарихий манбалардан маълум. Искандар ҳужум қилаётганда уни Зарафшон қирғоғидан кўриб «Кармено» (грекча — гўзаллик маъносини англатади) деб юборган деган фикрлар ҳам бор. Агар шу далил аниқ ва асосли бўлса, демак Кармананинг ёши Бухоро ёши билан салкам тенг бўлиб чиқади.



Ҳазора қишлоғи. Деҳқарон масжиди. XI аср. (Умумий кўриниши).

Маълумки, «Буюк ипак йўли» устида жойлашган Самарқанд ва Бухорони бир-бирига боғловчи шаҳар ёки қадимги қалъа — кўрғонлардан бири — Кармана Добусия қалъаси билан ёнма-ён тарихий китобларда қайд этилган. Добусия қалъасида бир неча йиллардан буён археологик қазишма ишлари олиб борилмоқда. Унинг Марказий Осиё цивилизациясига таъсири ва асл тарихини ўрганиш жадал кетаяпти. Айни пайтда Карманада ҳам турли давр ва турли мақсадларда археологик, этнографик текширишлар олиб борилган бўлса-да, улар ҳали махсус бир марказга тўла жамланиб, алоҳида чоп этилган эмас. (1943 йилда тарихчи олим А.К. Писарчик ташкил этган экспедиция материаллари асосида ёзилган «Памятники Кермине» («Кармана ёдгорликлари») ва бошқа қатор муаллифларнинг мақолалари бундан мустасно).

Буюк бобомиз Термизий ўзининг «Дастур ал-мулук» асарида қалъа билан ўралган шаҳар ҳақида: «Кармана ҳукумати бор» деб ёзган эканлар. 14 та Карманагийлар яшаб ўтган бу заминни Бобур Мирзо «Кармана суви» деб уни эслаган бўлса, Ҳасанхўжа Нисорий ва Наршахий шаҳарда шоир ва адиблар кўп бўлганлигини ёзганлар. Бугун алоҳида эътиборга тушган Қосим Шайх жомеъ масжиди, Хўжа Хисрав хонақоси, Деҳқороний масжиди, Гармгар чорбоғ ёдгорликларини таъмирлаш ишлари шукроналар бўлсинки, бошлаб юборилди. Бироқ, Малики Работ, Сардоба, Мир Сайид Баҳром каби ёдгорликларни (йўқолиб кетганлари қанча!) ўз ҳолига қайтариш, ҳеч бўлмаганда улар атрофини тартибга келтириш, боғлари ва ариқларини ораста қилиш, Мир Алишер Навоий ва Амир Темур излари тушган диёрга янада кўрк ва тароват бериш, пировардида, уларнинг тарихини чуқур ўрганиш ҳамда Кармана шаҳрининг аниқ ёшини аниқлаш — биз авлодлар учун ҳам қарз, ҳам фарз, албатта.

■ **Рустам ҚАРШИЕВ,**
Навоий давлат кончилик институти доценти

СУВ КЕЛТИРГАН — АЗИЗ...

— Халқимиз сув келтирганни ҳамиша азиз билган, — деб ҳикоя қилади «Бухоросувқурилиш» бошқармасига қарашли 37-кўчма механизациялашган жамланма бошлиғи Жалол Ўринов. — Жамоамизнинг Қоровулбозор туманидаги бўлинмаси бунёдкорлари амалга ошираётган ишлар салмоғи уларни чиндан ҳам азиз кишилар қаторида обрў-эътиборларини оширмоқда. Ҳозир улар меҳнат қилаётган 4,5 километр узунликдаги канал қурилиши жадал кетяпти. Мақсадимиз — туман далаларига тезроқ обиҳаёт етказиб, мавжуд экинзорларда сув таъминотини яхшилаш...

Жамланма бошлиғининг фахрланганича бор: ўтган йили қурувчилар 101 миллион сўмлик иш бажаришган бўлса, жорий йилнинг биринчи чорагининг ўзидаёқ 35 миллион 747 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини амалга оширдилар.

✧✧✧

Суратларда: *жамланма бошлиғи Жалол Ўринов (чапдан иккинчи) илғор ишчи Рамазон Бўронов, моҳир ҳайдовчи Муқим Ражабов, уста-созловчи Келдиёр Қурбоновлар иш режаларини белгилаб олишяпти; канал қурилишидан лавҳа.*

■ **И. ҲАСАНОВ олган суратлар**

Қарияларни қадрлаш йили муносабати билан, **Қува тумани** пахтани қайта ишлаш корхонаси бошланғич партия ташкилоти, корхона маъмурияти билан ҳамкорликда, уруш ва меҳнат фахрийларининг учрашувини ўтказди. Бир-бирлари билан дилдан суҳбат қурган фахрий отахону онахонлар кекса авлодга давлатимиз томонидан алоҳида эътибор берилаётгани ҳақида гапирдилар. Учрашувда ХДП Қува туман кенгашининг биринчи котиби Н. Тилаволдиев бир гуруҳ партия фаолларига эсдалик совғаларини топширди.

Партия **Данғара туман кенгаши** туман марказидаги «Оқжар» чойхонасида «Қариялари эъзозли юртим» мавзуида уюштирган кечада, фахрий партиядошларимиз Н. Дадажонова, Ю. Иброҳимов, А. Усмонов, Т. Султонов, М. Акбаровлар туман кенгашининг Фахрий ёрлиқлари ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

ХДП Қораўзак туман кенгаши, туман хотин-қизлар кенгаши ҳамкорлигида, Есимузак қўрғончасида истиқомат қилувчи, 100 ёш билан юзлашган Кунакбой ота билан ёшлар учрашувини ўтказди. Тадбир сўнггида ёш санъаткорлар йиғилганларга концерт намойиш этдилар.

ХДП Андижон шаҳар кенгаши, шаҳар халқ таълими бўлими билан ҳамкорликда, 7-сон мактаб жамоасида узоқ йиллар мураббийлик қилган, бугунги кунда кексалик гаштини сураётган ўқитувчиларни «Хотира — муқаддас» мавзуидаги «давра суҳбати»га таклиф этди. Дастурхон атрофида ўтган учрашувда шаҳар партия кенгашининг биринчи котиби А.Носиров нуронийларга эсдалик совғаларини топширди.

Асака шаҳар партия кенгаши, «ЎзДЭУавто» қўшма корхонаси маъмурияти ҳамкорлигида, 26 нафар Афғонистонда хизматда бўлган жангчилар ҳамда ушбу корхона қурилишида иштирок этган мутахассислар учун байрам тадбирини ўтказди.

Балиқчи туман партия кенгаши томонидан уюштирилган қадр кечасида ХДП ташкил топгандан буён партия фаолиятида жонкуярлик қилган, ҳозирда марҳум — «Сиза» ширкат хўжалигининг собиқ раиси Р. Жўраев, «Шераличек» ва «Ғалаба» ширкат хўжаликлари бошланғич партия ташкилотларининг собиқ котиблари М. Мўйдинов, О. Охунов, спорт буюмлари ишлаб чиқариш корхонасининг собиқ директори У. Тошбоев, «Ғалаба» рўзномаси собиқ муҳаррири Т.Ҳакимов, 40-сон мактаб директори вазифасида ишлаган Б.Аҳмедовларнинг хотиралари партиядош дўстлари томонидан эсга олиниб, уларнинг ёшларга ибратли бўлган ҳислатлари хотирланди. Тадбирда туман ҳокимининг ўринбосари З. Зуҳриддинова иштирок этди.

Шунингдек, тумандаги бошланғич партия ташкилотлари ҳисобида турган уруш ва меҳнат фахрийлари ҳолидан хабар олинди, уларга 112 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

ПАРТИЯ ВА ЁШЛАР

Ўтган ҳафта **ХДП Фарғона туман кенгаши** тумандаги 18-сон мактабда, «Баҳор билан юрт обод, дўстлик билан уй обод» мавзуида, қўшни Қирғизистон Республикаси Боткент вилояти Қадамжой туманидаги мактаб ўқувчилари билан дўстлик учрашувини ташкил этишда бош-қош бўлди. Учрашувда ҳар икки миллат фарзандлари ўз Ватанига садоқат, миллий урф-одатларга ҳурмат, илм-фан сирларини ўрганишдаги тинимсиз меҳнат қилиш каби қобилиятларни намойиш этдилар. Тадбирда сўзга чиққан туман партия кенгаши биринчи котиби Х. Файзиева, туман ҳокимининг ўринбосари Я. Каримов, халқ таълими бўлими мудири М. Қосимов, мактаб директори Б. Ҳакимовлар бундай учрашувлар катта самара беришини таъкидладилар. Тадбир сўнггида меҳмонларга туман партия кенгашининг эсдалик совғалари топширилди.

ХДП Жиззах вилоят кенгаши, Жиззах шаҳридаги касб-ҳунар коллежи маъмурияти билан ҳамкорликда, «Баркамол авлодни тарбиялашда педагогик жамоа, ота-оналар ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлиги» мавзуида, ўтказган мулоқотда коллеж раҳбари ва ўқитувчилар — фалсафа фанлари номзоди Ф. Маматқулов, ҳуқуқшунослик фанлари номзоди М. Абдуназаров, Х. Абдуллаев ҳамда ХДП Жиззах вилоят кенгаши биринчи котиби М. Иномовлар сўзга чиқдилар. Анжуманда иштирок этган партия фаоллари, коллеж ўқитувчилари, талабаларнинг ота-оналари таълим-тарбиядаги муаммоларни ҳал этишда ота-оналар билан алоқани мустаҳкамлаш, таълим жараёнида жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлик қилиш тўғрисида ўз фикрларини билдирдилар.

Учқўприк туман партия кенгаши ташаббуси билан, туман маданият уйида, «Оталар жасорати мардликка ундар» мавзуида, иқтидорли болалар мактаб-интернати ва касб-ҳунар коллежлари ёшлари вакиллари ўртасида, кўрик-танлов ўтказилди. Тадбирда уруш ва меҳнат фахрийлари, партия фаоллари иштирок этдилар. Кўрик-танлов якунида туман партия кенгашининг биринчи котиби И. Каримов совриндорларга рағбатлантирувчи мукофотларни топширди.

АЧЧИҚ, АММО ОЧИҚ ГАПЛАР

«ТУШОВ»ЛАНГАН УЛОВЛАР

КАТТАҚЎРҒОН ШАҲАР АВТОБУС-ТАКСОМОТОР САРОЙИДАГИ МАВЖУД 47 ТА АВТОБУСДАН 26 ТАСИ ТАЪМИРГА МУҲТОЖЛИГИ САБАБЛИ БИР НЕЧА ЙИЛЛАРДАН БУЁН ЮРМАЙДИ. УЛАРНИ НА ТАЪМИРЛАШГА ИМКОН БОР ВА НА СОТИШГА РУХСАТ...

Сарой базасида 63 та автотранспорт воситалари бўлиб, шундан 47 таси автобус, 16 таси такси — енгил автомашиналар. Ҳозир корхонанинг иқтисодий имкониятлари йилдан-йилга камайиб бораётганлиги сабабли атиги 21 та автобус аҳолига транспорт хизмати кўрсатмоқда.

Корхона имкониятлари ва салоҳияти ҳақида фикр юритадиган бўлсак, ҳиссадорлик жамияти сифатида 8 миллион 354 минг сўмлик устав жамғармасига эга. 2002 йилнинг биринчи чораги якунларига кўра, дебиторлик қарзлари 11 миллион сўмни ташкил этди.

— Ўтган 2001 йилда корхонада Вазирлар Маҳкамасининг корхона ва ташкилотларда ойлик маошини ўз вақтида берилишини тартибга солиш тўғрисидаги қарори талаблари бузилганлиги учун энг кам иш ҳақининг ўн баробари миқдорида маъмурий тартибда жарима тўладим, — дейди корхона раҳбари Исмоил Ибрагимов. — Муаммолар кўп. Биргина шу йил ғаллани бегона ўтлардан тозалаш учун ҳашарчиларни хўжаликларга олиб чиқиш вазифаси корхонамиз зиммасига тушиб, кредиторлик қарзларимиз яна 2 ярим миллион сўмга ўсди.

Очиғини айтганда, корхонамиз рақобатга бардош беролмай қолди. Транспортларимиз эскириб кетди. Уларни таъмирлаш учун имкониятлар етишмайди. Янги техникалар охирги марта 1993 йилда келтирилган. Тўққиз йилки, янгисини ололмадик...

Корхонада автоуловларга эҳтиёт қисмлари улашиш масаласи ҳам анқонинг уруғи. Ўтган давр мобайнида бор-йўғи 4 дона автобус шиналари келтирилган. Корхона қарамоғидаги 3 та устахона ижарага берилганлиги боис, таъмир ишлари ҳайдовчиларнинг ўз ҳамёнлари ҳисобидан бўлмоқда. Ёнилғи ва мойлаш материаллари ҳам ҳайдовчилар чекига тушяпти. Чунки корхонанинг кредиторлик қарзлари ошганлиги учун Каттақўрғон нефть маҳсулотлари корхонаси қарзга маҳсулот беришни тўхтатиб қўйган.

— Мен, Ҳамидов Ҳасан, — ўзини жаҳл аралаш таништирган бўлди такси ҳайдовчиси, — ҳар куни 1500 сўм режа топширяман. Корхона томонидан 1 дона гайка ҳам берилмайди. 1 дона шина қанча туради биласизми? Ойлик масаласи... Шаҳар ичкарисида таксилар тўхтаб туриши учун махсус жойлар ажратилмаган. Бирор жойда тўхтаб турсак, ЙПХ ходимлари жаримага тортади...

— Матбуот орқали кимнингдир устидан шикоят қилишдан йироқмиз, — суҳбатга қўшилди корхонада йигирма беш йилдан буён меҳнат қилиб келаётган Ўлмас Шарипов. — Корхонамиз қолоқлик ботқоғига тушиб қолган. Ана қаранг, таъмирга муҳтож, эгасиз автобуслар... — У қатор териб қўйилган қаровсиз автобусларга ишора қилди. — Эҳтиёт қисмлар масаласини гапириш ортиқча. Ҳатто минг-миллион сўмлаб ўз ҳисобимиздан қилган таъмир харажатларини қоплаш раҳбариятнинг хаёлига ҳам келмайди.

Корхонада йиллар оша фойдаланилмай келинаётган таъмирга муҳтож автобусларни хусусийлаштириш масаласи ҳиссадорлик жамияти, ҳиссадорлар ва тегишли манфаатдор идоралар эътиборидан четда қолган. Афсусланарли томони шундаки, қаровсизлиги туфайли вақт ўтиши билан яроқсиз ҳолга келиб қолган автоуловлар корхона ҳисобидан чиқарилиб, арзимас баҳода металломга топширилмоқда.

Корхонанинг кейинги беш йиллик фаолиятига эътибор қиладиган бўлсангиз, 6 марта бошқарув раиси алмаштирилди. Бу вақт мобайнида бир нечта енгил таксилар сотиб юборилди. Корхона иқтисодий негизини мустаҳкамлаш учун сарфланса арзигулик маблағлар турли баҳоналар билан ишлатиб юборилди. Ҳайдовчилар таъкидлаган, таксилар тўхтаб туриш жойи масаласига маҳаллий мутасаддилар, «бор отангга, бор онангга», қабилида иш тутишмоқда.

Бугун мамлакатимизнинг шаҳар ва қишлоқларида аҳолига транспорт хизмати кўрсатаётган «СамКочАвто» Ўзбек — Турк қўшма корхонасида ишлаб чиқарилган шинам автобусларда ёки Ўзбекистон — Жанубий Корея қўшма корхонасининг «Дамас» автомобилларида узоғини яқин, оғирини енгил қилишни ким хоҳламайди дейсиз? Ваҳоланки, Каттақўрғон шаҳар автобус-таксомотор саройи ҳиссадорлик жамиятида жамоат транспортини янги техникалар билан алмаштириш ва бойитиш масаласи ўйлаб ҳам кўрилаётгани йўқ.

Хизмат муддатини ўтаб бўлган техникалар билан рақобатга чиқиш самарали бўлмаслиги турган гап. Шундай экан, таъмирга муҳтож автоуловларни вақти ўтгач, яроқсизликка йўйиб металломга топшириб юборгандан кўра, вақтида хусусий мулкдорларга имтиёзли нархларда сотилса, автобус-таксомотор саройи базасида янги, замонавий автоуловлар пайдо бўлармиди?!

Бу борада корхона раҳбарияти, ҳиссадорлар ва тегишли манфаатдор идоралар зарур чора-тадбирлар кўришмас экан, корхонанинг иқтисодий негизи ва техника базасидаги муаммолар ечимини топмасдан қолаверади.

■ **Шуҳрат ҚАРШИЕВ**

СПОРТ

«ЧЕЛЛЕНЖЕР» ҒОЛИБЛАРИ АНИҚЛАНДИ

Фарғона шаҳридаги «Истиқлол» теннис мажмуида «Челленжер» халқаро теннис турнири бўлиб ўтди. Мусобақада Бельгия, Франция, Буюк Британия, Австралия, Словения, Ҳиндистон сингари жаҳоннинг ўн тўрт мамлакатидан келган таниқли ракетка усталари баҳслашдилар. Соврин жамғармаси 25 минг АҚШ долларини ташкил этган турнирда мамлакатимиз теннис усталарининг Вадим Куценко ва Дмитрий Томашевич бошчилигидаги гуруҳи ҳам ғолиблик учун кураш олиб борди.

Шахсий биринчилик учрашувларида кутилмаган натижалар қайд қилинди. Мамлакатимиз вакилларининг 5 нафари — В. Куценко, Д. Томашевич, С. Акрамов, М. Иноятов ва А. Кокуринлар биринчи даврадаёқ мағлубият аламини тортдилар. Иккинчи даврага чиққан Дмитрий Мазур афсуски, олға юришни давом эттира олмади.

Финалда финляндиялик Томас Кетола ва Хитой Тайпейи мамлакати вакили Е-Ду-Ванлар ўзаро баҳслашди. Кескин курашда Е-Ду-Ван ғолиб чиқиб, турнирнинг бош совринини қўлга киритди — 6/3, 6/1.

Жуфтлик баҳслар финалида Жанубий Африка Республикаси вакиллари Ди Вёст ва Дик Стигманлар покистонлик А. Курейши ва финляндиялик Томас Кетолалар билан учрашдилар. Бу ўйинда Жанубий Африка вакиллари ғалаба қозонишди — 6/3, 7/5.

■ **Алишер ИБОДИНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

СОЛИҚҚА ОИД ЖИНОЯТЛАР ТАҲЛИЛИ

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиққа оид жиноятларга қарши курашиш Департаменти органларининг жорий йил биринчи чораги якуни ва навбатдаги устувор вазифаларга бағишланган кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиз иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш, иқтисодиёт ва солиқ қонунчилигини мустаҳкамлаш борасида Департамент органлари томонидан муайян ишлар амалга оширилаётганлиги таъкидланди.

Департамент органлари ходимлари фуқароларнинг ҳуқуқий билимини ошириш, солиқларни тўлашдан бош тортганлик, иқтисодиёт ва солиқ соҳасида содир этилган жиноятлар учун жазонинг муқаррарлиги тушунчасини одамларга сингдириш борасида солиқ тўловчилар билан мунтазам равишда учрашувлар ўтказишмоқда.

Бундан ташқари, оммавий ахборот воситалари имкониятларидан ҳам кенг фойдаланишга ҳаракат қилинмоқда. Департамент фаолиятига ошкоралик бериш мақсадида барча тармоқларда ишонч телефонлари ташкил этилган.

Департамент ташкил этилгандан буён унинг органлари томонидан яширилган солиқ ва молиявий жарималардан бюджетга 5 млрд. 777 млн. сўмлик маблағ ундирилди. Шунингдек, профилактика тадбирлари натижасида солиқ тўловчилардан ихтиёрий равишда ундирилган 1 млрд. 331 млн. сўм билан биргаликда бюджетга жами 7 млрд. 108 млн. сўм туширилди.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг даромад манбаларини яширишига йўл қўймаслик, нақд пул маблағлари айланишининг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибига риоя этмасликка қарши курашда ҳам салмоқли ишлар қилинди. Ўтган даврда 27 млрд. 441 млн. сўм миқдорида ноқонуний нақд пул айланмалари амалга оширилганлиги аниқланиб, айбдор шахсларга нисбатан қонуний чоралар кўрилди.

Шунингдек, ноқонуний равишда сифатсиз пахта ёғи, алкоголли ва турли хил озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқараётган яширин цехлар фаолияти фош этилиб, айбдорлар тегишли тартибда жавобгарликка тортилдилар.

Солиққа оид қонунбузарликлар, жиноятларнинг таҳлили шуни кўрсатдики, солиқ ва бошқа тўловларни тўлашдан бўйин товлаш жиноятлари, яширилган солиқ базаси хусусий фирмалар томонидан бухгалтерия ва бошқа ҳужжатларни сохталаштириш йўли билан ишлаб чиқарилган маҳсулот, бажарилган иш ва товар айланмасини расмий ҳисоботларда тўлиқ кўрсатмаслик каби ҳолатларда содир этилмоқда.

Йиғилишда бугунги кунда солиқ соҳасида содир этилаётган бошқа ҳуқуқбузарликларнинг, жиноятларнинг келиб чиқиш сабаблари чуқур таҳлил қилиниб, уларни бартараф этиш чоралари, шунингдек, кадрларни тарбиялаш, уларнинг касб-маҳоратларини ошириш масалалари муҳокама этилди.

■ **Равшан ШОДИЕВ, Азаматхон ЭРГАШЕВ**

«ПАҲЛАВОН»ДА ЁШ ПОЛВОНЛАР

Наманган шаҳридаги «Паҳлавон» спорт мажмуида «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси совринни учун



ўсмирлар ва қизлар ўртасида белбоғли ҳамда ўзбек кураши бўйича иккинчи анъанавий турнир бўлиб ўтди. Баҳсларда Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда вилоятлардан ташриф буюрган 400 нафарга яқин ёш полвонлар гиламга чиқдилар.

Белбоғли кураш бўйича қизлар ўртасида ўтган мусобақаларда наманганлик Дилафрўз Ғоипова (48 кг.), қорақалпоғистонлик Жадира Дўсинова (52 кг.), қашқадарёлик Шалола Тиллабоева (57 кг.)лар ўз вазн тоифаларида бош совринни қўлга киритишди. Ўсмирлар ўртасидаги беллашувларда эса фарғоналик Муҳаммад Мунисхонов (55 кг.), наманганлик Тоҳиржон Тўйчиев (60 кг.), Одилжон Меҳмонов (66 кг.), пойтахт вилояти Тоҳир Рисқибоев (73 кг.), андижонлик Фарҳод Нурматов (+73 кг.)ларнинг кураги ерга тегмади.

Умумжамоа ҳисобида мезбонлар биринчи, Фарғона ҳамда Тошкент вилояти вакиллари иккинчи ва учинчи ўринларни эгалладилар.

Ўзбек кураши бўйича мусобақалар ҳам ҳаяжонли ва кескин баҳсларга бой бўлди. Лола Кирковова (48 кг. Қашқадарё), Дилдора Тўрақулова 52 кг., Тамара Кандаурова (57 кг. иккаласи ҳам Тошкент шаҳридан)лар гиламда дугоналарини доғда қолдиришди. Ўсмирлар ўртасидаги беллашувда эса Жалил Ашуров (60 кг. Жиззах), Умид Жўраев (66 кг. Самарқанд), Бобомурод Рустамов (66 кг. Сурхондарё), Эрназар Раҳимов (73 кг. Хоразм), Давлат Шохбозов (+73 кг. Тошкент шаҳри)лар ғолиблик нашидасини сурдилар. Умумжамоа ҳисобида қашқадарёлик ёш полвонлар биринчи, Хоразм вилояти ҳамда Тошкент шаҳри вакиллари кейинги фахрли ўрин соҳиблари бўлишди.

Турнирни Жанубий Африка Республикасидан ташриф буюрган мутахассис ва спортчилар ҳам катта қизиқиш билан кузатдилар.



■ **Маҳмуджон ПАРПИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

✧✧✧

Суратларда: турнир ғолибларидан бири Одилжон Меҳмонов (66 кг.); ўзбек курашидан лавҳа.

Шуҳрат ОЛИМОВ (ЎзА) олган суратлар

«САЛОМАТЛИК» СПАРТАКИАДАСИДА...

Термиз шаҳрида Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 11 йиллигига бағишлаб Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ташаббуси билан ўтказилган мамлакатимиз қишлоқ меҳнаткашларининг «Саломатлик» спартакиадаси якунланди. Унда 400 нафардан ортиқ спортчилар тўрт кун мобайнида спортнинг саккиз тури бўйича мусобақалашдилар.

Мини футбол баҳсларида Сурхондарё вилояти вакиллари биринчи ўринни қўлга киритишган бўлса, Наманган ҳамда пойтахт вилояти футболчилари кейинги ўринларга муносиб топилди.

Эркаклар ва аёллар ўртасидаги стол тенниси баҳслари ҳам ўзининг кескинлиги, муросасизлиги билан бошқа мусобақалардан қолишмади. Эркаклар ўртасида М. Насриддинов (Наманган), В. Ким (Тошкент) ва Н. Сатторов (Сирдарё)лар шоҳсупага кўтарилган бўлса, аёллар ўртасида И. Трунова (Тошкент), Н.Абдуллаева (Наманган) ва М.Тўхлиева (Сурхондарё)лар зафар қучишди.

Волейбол ўйинларининг финалида мезбонлар билан учрашган хоразмлик қизлар рақибларига муносиб қаршилик кўрсатишган бўлса-да, ҳал қилувчи паллаларда улардан омад юз ўгирди. Наманганликлар учинчи ўринни эгалладилар.

Шоҳмот баҳсларида сурхондарёликлар, шашка ўйинларида эса андижонликлар биринчи бўлишди.

Умумжамоа ҳисобида эса мезбонлар биринчи, Наманган вилояти жамоаси иккинчи, фарғоналик спортчилар учинчи ўринни эгалладилар.

■ **Муҳаббат ЎРМОНБЕКОВА**

XORIJDA

ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ КАМАЙТИРМОҚЧИ

Маҳсулотига талаб камайиб кетаётгани учун Италиянинг Fiat автомобиль ишлаб чиқариш концерни раҳбарияти шу йил июндан бошлаб харажатларни камайтириш ва молиявий инқироздан чиқиб олиш мақсадида йил охиригача автомобиль ишлаб чиқаришни аста-секинлик билан камайтириб боришни режалаштирди, дея хабар беради Reuters агентлиги.

Концерн ўз олдига қўйган вазифани бажариш учун 1900 ишчини ҳафталик меҳнат таътилига чиқаришни амалга оширмоқчи, яъни 1950 кишини 10 дан 16 июнгача, 6450 кишини ундан кейинги ҳафтада ва 8920 кишини учинчи ҳафтада таътилга чиқармоқчи. Бу қарор касаба уюшмалар вакиллари билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

Концерн раҳбариятининг айтишларича, айрим нашрлар концерннинг баъзи корхоналарида 3 мингдан 5 минггача ишчи ўрни қисқартирилиши ҳақида ёлғон ахборотлар тарқатган. Касаба уюшмалар вакилининг баёнот беришича, ҳозирча ишчи ўринларини қисқартириш тўғрисида гап бормаяпти, балки ишлаб чиқаришни вақтинчалик тўхтатиб туриш мақсадида ишчиларни таътилга чиқариш кўзда тутилган.

ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ КУНЛАРИ

60 минг кишини ўзига бирлаштирган Жанубий Корея касаба уюшмалари конфедерацияси 31 май куни мамлакатда бошланадиган футбол бўйича жаҳон чемпионати пайтида тартибсизликлар келтириб чиқариш билан ҳукуматга таҳдид қилмоқда.

Энг муҳим соҳалар вакилларидан таркиб топган касаба уюшмалар мамлакатда меҳнат шароити яхшиланишини, меҳнат хавфсизлиги таъминланишини, иш ҳақлари оширилишини ва ҳафтада беш иш куни шароитига ўтишни талаб қилишмоқда. Шунингдек, мамлакатда хусусийлаштириш режасига қарши намойиш ўтказишмоқчи.

— Биз ҳафтада 5 иш куни жорий қилинишини хоҳлаймиз, — деди касаба уюшмалар конфедерацияси расмий вакили Юн Юнг Мо Reuters ахборот агентлигига берган интервьюсида.

Унинг айтишича, футбол бўйича жаҳон чемпионати ўтказилиши мўлжалланаётган барча шаҳарларда норозилик намойишлари бўлиб ўтади.

Корея Республикаси полицияси ва ФИФА раҳбарияти конфедерация берган баёнотга ҳозирча ҳеч қандай муносабат билдирмаяпти.

Яна шуни таъкидлаш керакки, сайёҳлик соҳаси касаба уюшмалари оммавий иш ташлашни жаҳон чемпионати вақтида эмас, кейин ўтказилишини маълум қилди.

ОСИЁ УЧУН ЯГОНА ВАЛЮТА ТАКЛИФИ

Филиппин Президенти Глория Макапагал Арройо Осиё ҳудудидаги барча мамлакатларни энергетика соҳасида ҳамкорликда ишлашга чақирди, дея хабар беради Reuters агентлиги. Бундан ташқари, у Токио конференциясида иштирок этиб, яқин ўн йилда Шарқий Осиё мамлакатлари учун Ғарбдаги евро сингари ягона пул бирлиги жорий қилиш таклифи билан чиқди.

«Ғарбдаги сингари ягона валюта моделига ўтиш учун Осиёда ҳам барча имкониятлар етарли. Фақат мавжуд имкониятларни ишга сола билсак бўлгани», деди Арройо.



Истанбул. Босфор кўприги

ЕВРОПА ИТТИФОҚИНИНГ ҚАРОРИ

Вифлеемдаги Исо пайғамбар черковида анча аввал қамалда бўлган 13 фаластинликнинг тақдири ниҳоят Европа Иттифоқининг қарори билан ҳал этилди. Брюсселдаги келишувга кўра, уларнинг уч нафари Испанияга, яна шунчаси Италияга, икки нафари Ирландияга, яна икки нафари Грециягa, бири Португалияга, иккинчиси эса Бельгияга жўнатилди. Биттаси Кипрда қолдирилди. Уларга 12 ой шу юртларда яшаш муддати белгиланди. Шунингдек, ишлаш ва оиласи билан боғланиб туриш ҳуқуқи ҳам берилди. Улар ўзи яшаётган давлатлардаги ижтимоий имтиёзлардан ҳам фойдаланишлари мумкин. Бироқ улар бутун муддат давомида полиция кузатуви остида бўладилар ва мамлакатдан чиқиб кетиш тақиқланади.

Сешанба куни кечқурун Испания самолёти уларни белгиланган давлатларга элтиб қўйди.

Улар 10 майдан бери Кипрда ушланиб турилган эди.

СЕНДАЙ ВАТАН ҚАЙДА, ЎЗБЕКИСТОНИМ!

Ватаним тошингда гуллар унади,
Осмоннинг бағри кенг қушлар учади.
Ёшларинг баркамол само қучади,
Сендай ватан қайда, Ўзбекистоним.

Гўзал водийларинг чамандир — чаман,
Тоғлари сервиқор мустақил Ватан.
Сенга фидо бўлсин, жисму жону тан,
Сендай Ватан қайда, Ўзбекистоним.

Баланд биноларинг кўрмасин завол,
Шаҳар, қишлоқларинг топсин бир камол.
Илоҳим, бор бўлсин улуғ истиқлол,
Сендай Ватан қайда, Ўзбекистоним.

Буюк аждодларинг ўтган дунёда,
Аскар ўғлонларинг бўлиб мардона.
Жонин қурбон қилар сен учун она,
Сендай Ватан қайда, Ўзбекистоним.

■ Ҳурматой АҲМАДУЛЛО қизи

КЕЛ, КЎР, МАНИ ИШҚ НАЙЛАДИ?

Азобларда қолди жоним,
Куйди умрим — хонумоним.
Охири йўқ бу фиғоним,
Кел, кўр, мани ишқ найлади?
Сарсон бўлдим йўлларингда,
Мен жон берай қўлларингда,
Аксим қолсин кўзларингда...
Кел, кўр, мани ишқ найлади?
Кетсам, дўстлар нолон қолсин,
Ғанимларим шодон қолсин.
Юрагингда армон қолсин
Кел, кўр, мани ишқ найлади?

■ КАНИЗА



Бобо: *Бугуннинг қадрига етайлик болам. Бу ёруғ кунларгача не-не машаққатларни кўрмадик.*
Набира: *Мен сизман, бобожон. Қаддингизни кўтаринг. Орзуларингизни мен амалга оширaман.*

■ Шавкат АКРАМОВ олган сурат

ҚАДРИЯТ

УЙ-МУЗЕЙ МАЪРИФАТХОНА ҲИСОБЛАНАДИ

Абдулла Қаҳҳор йигирманчи аср ўзбек адабиётининг ривожи ва равнақига улкан ҳисса қўшган ёзувчиларимиздан бири ҳисобланади. У миллий насримизда, айниқса, ҳикоячиликда ўзига хос мактаб яратди. Адибнинг деярли барча асарлари адабиётимизнинг чинакам маънавий мулкига айланган. Бу бетакрор ижод намуналарининг янги нашрини эса китобхонлар доимо қувонч билан кутиб олишади. Масалан, ёзувчининг «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни Бош муҳарририятида «ХХ аср ўзбек романи» туркумида чоп этилган машҳур «Сароб» романи яна қўлма-қўл бўлиб кетди. Агар «ХХ аср ўзбек қиссаси» туркуми нашр этилса, ишончим комилки, севимли адибимизнинг «Синчалак» қиссаси бир овоздан нашрга тавсия этиларди.

Яқинда сурхондарёлик филолог дўстим Жўрақул Ҳикматов меҳмон бўлиб келди. У Термизга қайтиши арафасида:

— Ошна, аввалги сафаримда Ғафур Ғуломнинг уй-музейини зиёрат қилгандим, бу гал, хўп десангиз, Абдулла Қаҳҳорнинг уй-музейига ўтиб келайлик, — деб қолди. Тўғриси, бу адибимизнинг ижодини у анча пухта биларди. Диплом ишини ҳам Абдулла Қаҳҳор ижоди бўйича ёзганди.

Меҳмонни Тошкентнинг Юнус Ражабий кўчасидаги Абдулла Қаҳҳор уй-музейига бошладим.

Табаррук маскан дарвозаси олдидаги озгина қум уюмини кўриб, таъмир кетаяптимикин, деб ўйладик. Тахминимиз тўғри чиқди. Эшик қўнғироғига ҳам ҳеч ким жавоб бермади. Нима қилишни билмай эшик олдида бироз туриб қолдик. Қўшни уйдан кексароқ киши чиқиб қолди.

— Нодирахон ташвишлар билан юрган бўлса керак, эрталаб кўрувдим, музейни томоша қилгани келган бўлсаларингиз, ҳозирча ишламаяпти, — деди у.

«Қизиқ бўлди-ку, нима қиламиз?» деган маънода Жўрақулга қарадим.

— Бироз кутайлик, опа келиб қолар, — деди у.

Уй-музейнинг ижрочи директорини кўп кутмадик. Нодира Жалолова бизнинг мақсадимизни эшитгач, аввал хурсанд бўлди, сўнг ҳижолат оҳангида:

— Мутасаддиларимиз таъмирлаш ишларига 3 миллион сўм ажратган. Лекин қарийб икки йил бўляпти ремонтни тугатолмаяпмиз, — деди ...

Шу тариқа олис вилоятдан келиб, Абдулла Қаҳҳор қадриятларини зиёрат қилолмаган дўстим армон билан қишлоғига қайтиб кетди.

Тўғриси, мендан ҳам кўра, автойўлчилик мутахассислиги соҳиби бўла туриб, адабиётнинг, қадриятнинг, маданиятнинг қутлуғ бир масканига посбонлик қилиб ўтирган Нодирахон кўпроқ ҳижолат бўлди, чамамда. Музейдан қайтаётиб, талабалик йилларимда устоз билан бўлган учрашувлар, унинг адабиёт ҳақида куюниб айтганлари, ёшлар ижодига қаттиққўллик ва меҳрибонлик билан қараганлари ёдимга тушди. Машҳур адиб асарларининг оддий қораламаларидан тортиб, сиёҳдонигача, Қўқон дўпписигача кўз қорачиғидек асраб-авайлаб ўтирган Нодирахонга ҳурматим ошиб кетди.

Музейни таъмирлаш муаммолари учун қайсидир даражада ўзим тенгдошларимни айбдор деб ҳисобладим. Чунки, адабиётимизнинг катта гуруҳи ўзини Абдулла Қаҳҳор ижодининг чинакам мухлислари санайди. Иккинчи бир нуфузли даврамиз Абдулла Қаҳҳор шогирдларидан, унинг мумтоз мактабидан чиққан талантлардан иборат. Учинчи гуруҳини эса, Абдулла Қаҳҳор ва унинг ўлмас асарлари туфайли ҳам юксалган миллий маданият, маънавият ва маърифатнинг бугунги фаоллари ташкил этади. Абдулла Қаҳҳор ва унинг ижодига дахлдор тўртинчи, бешинчи даврлар ҳам бор!

Шундай одамлар орасида саховатпеша ишбилармонлар ва тадбиркорлар топилмайдими? Ёки ҳар куни бўлмаса-да, деярли кунора республикамизда ўнлаб-юзлаб дорихоналар, ошхоналар, савдо дўконлари, чойхоналар, кафе-барлар, сартарошхоналар, суратхоналар, ҳатто бильярдхоналар қуриб, ишга туширaётганлар эътиборини маънавият-маърифат ва маданият масканларига ҳам қаратсак бўлмасмикин?

Абдулла Қаҳҳор ва унинг мумтоз қаламкаш дўстлари ҳам айнан шу оддий ва айни вақтда ўта олий хислатларда ҳамма вақт намуна бўлишган. Шу ўринда беихтиёр ёдимга улуғ адибимизнинг Тошкентдаги Алишер Навоий номидаги Давлат кутубхонасида бўлган бир учрашувда айтган қуйидаги сўзлари келди: «Мен ушбу қутлуғ маърифатхонанинг гардеробчисини ҳам зиёкор деб биламан».

Ҳа, Абдулла Қаҳҳор маданият масканларини, зиёхоналарни ана шундай севарди ва қадрларди. Аллома адибдан бизга қолган табаррук қадрият гўшаси — унинг уй-музейига ҳам биз маърифатхона деб қарамоғимиз лозим, деб ўйлайман.

■ Юсуф БЕРДИЕВ

ХОНОБОДДА КУЛГИ БАЙРАМИ

Андижоннинг сўлим бўстони Хонобод шаҳрида машҳур санъаткор, Ўзбекистон халқ артисти Сойиб Хўжаев хотирасига бағишлаб қизиқчилар ва аскиячиларнинг анъанавий кулги байрами ўтказилди.

Шу куни Хонободнинг кўркам боғлари аскиячи-ю, қизиқчилар, шинавандалар билан тўлди. Тошкенти азимдан Ўзбекистон халқ артисти Суръат Пўлатов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Наима Пўлатова, Зулайҳо Бойхонова, Шарофатхон Тожибоева, Сирдарёдан Абдураззоқ Ўсаров, олтиариқлик Абдулла Акбаров, риштонлик Анваржон Мамадалиев, олтинкўллик Машҳурбек Райимжонов, Балиқчидаги «Сўтақўзи» гуруҳи чиқишлари томошабинларга маъқул бўлди. Қўшни Қирғизистоннинг Жалолободидан Солижон Қосимов сингари санъаткорлар ҳам беллашгани, кўпчиликни кулдиргани Хонободга келишди.

Машҳур санъаткорлар «Кулинг, умрингиз узоқ бўлади», деб бежиз айтишмаган. Ваҳоланки, кўпчиликни кулдириш осон эмас. Бунинг учун қизиқчи-ю аскиячилар изланиб ижод этадилар. Халқнинг тилининг учида турган ҳаётий ҳазил-мутойибаларни топадилар. Бу борада марҳум санъаткор Сойиб Хўжаев ибрат.

— Устозимиз истеъдодига ҳавас қиламиз, — дейди Ўзбекистон халқ артисти Суръат Пўлатов. — У киши ҳаётий образлари билан халқимиз қалбида яшаяпти. Бу тадбир андижонликларнинг юртдош санъаткорга бўлган меҳр-муҳаббатининг рамзидир.

■ Аҳмадилло СОЛИЕВ

ЎҚИНГ, ҚИЗИҚ!

«ЖАВЗО БУЛОҚ»НИНГ СИРИ

Бу ажиб дунё турфа сиру-синоатлар билан тўла. Баъзан уларнинг ечимини тополмай лолу ҳайрон бўламиз. Сангардак тоғида ғаройиб бир булоқ бор. Уни маҳаллий аҳоли «Жавзо булоқ» деб атайди.

— У бундан бир неча аср бурун кўз очган бўлса керак, — дейди 85 ёшли Зикир бобо Мелиқулов. — Ундан фақат қирқ кун сув чиқади. Қирқ биринчи кун эса қурийди. Чашманинг 39 ёки 41 кун оқишига ҳеч ким гувоҳ бўлмаган. Бу ҳам сирли оламнинг бир жумбоғи бўлса керак...

Ёз келишидан дарак берувчи ушбу «Жавзо булоқ» бу йил эрта кўз очди. Тоғдан шарқираб тушаётган чамаси икки тегирмон сув чор-атрофга камалак мисоли ранг таратмоқда. Зарраларда ҳаёт акс этганидек, обиҳаётнинг сероблиги фаровонликдан нишона бўлса ажабмас.

■ Абдумалик ҲАЙДАРОВ

BOSH MUHARRIR
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI
Abdulla ORIPOV
Abdulhafiz JALOLOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o'rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o'rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Rahima HAKIMOVA
To'lepbergen QAIPBERGENOV
Farmon OMONOV

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Siyosat, partya va xalqaro hayot 133-44-55
Ma'naviyat va ma'rifat 136-53-70
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-57-20
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Kotibiyat 136-53-21
Reklama va e'loniar 133-38-55, 133-47-80 133-06-83 (Tel. Faks)

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-16-16
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-12
Samarqandda — 35-20-54
Toshkentda — 136-57-20
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Qarshida — 4-61-35
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.

Navbatchi Farruh HAMROYEV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qo'mitasida 00004-raqam bilan ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 771

Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 22.30
1 2 3 4 5 6

SOTUVDA ERKIN NARXDA

«УЧҚЎРҒОН-ЁҒ» ОАЖ

Наманган вилояти Учқўрғон шаҳридаги «Учқўрғон-ёғ» ОАЖ акциядорларининг 2001 йил молиявий натижаларига бағишланган умумий йиғилиши шу йилнинг 25 июнь куни соат 13.00 да жамият клуби биносида бўлиб ўтади.

РЎЙХАТГА ОЛИШ 25 ИЮНЬ КУНИ СОАТ 10.00 ДА БОШЛАНАДИ

КУН ТАРТИБИ:

1. 2002 йил молиявий натижалари тўғрисида ҳисобот ва 2002 йил бизнес режасини тасдиқлаш.
2. Баланс, молиявий натижалар ҳисоботи ва дивиденд тақсимоти.
3. Тафтиш комиссиясининг ҳисоботи ва аудитор хулосасини тасдиқлаш.
4. Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш.
5. Ҳар хил масалалар.

«Учқўрғон-ёғ» ОАЖнинг 2002 йил 1 январь ҳолатига бухгалтерия баланси.

(минг сўм)

1. Узоқ муддатли активлар —	165623/533507
2. Оборот активлари —	2528237
Актив бўйича жами —	2721112/3088996
3. Ўзлик маблағларининг манбалари —	34990/402874
Шу жумладан устав фонди —	11273
4. Мажбуриятлар —	2686122
Балансининг пассиви бўйича жами —	2721112/3088996

«УЧҚЎРҒОН-ЁҒ» ОАЖнинг 2001 йил якуни бўйича молиявий натижалари (минг сўм)

1. Маҳсулот (иш, хизмат) сотишдан тушган тушум	4472966
2. Асосий ишлаб чиқариш фаолиятининг молиявий натижаси (фойда ёки зарар)	65443
3. Умумий хўжалик фаолиятининг молиявий натижаси (фойда ёки зарар) —	35306
4. Ҳисобот давридаги соф фойда (зарар) —	23717

Манзил: Наманган вилояти, Учқўрғон шаҳри, Курбоналиев кўчаси, 2-уй.

«УЧҚЎРҒОН-ЁҒ» ОАЖ КУЗАТУВ КЕНГАШИ

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲАР ФИЛИАЛИ

RESPUBLIKA KO'CHMAS MULK BIRJASI

2002 йил 21,28 июнь, 5, 12, 14, 26 июль ва 2, 9, 16, 23, 30 август кунлари кимошди савдоларини ўтказади.

Савдоларга Тошкент шаҳри, Сирғали тумани, лойиҳадаги Г-64,0м ва Г-38,0м кўчаларида жойлашган якка тартибда уйжой қуриш учун умрбод эгалик қилиш ва мерос қолдириш ҳуқуқи билан ҳар бирининг сатҳи 0,04 гектар бўлган 75 та ер майдонлари қўйилади.

Ҳар бирининг бошланғич нархи — 640 000 сўм.

Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани Файзулла Хўжаев кўчаси, 2-уйда жойлашган «Ўзкабель» ДАБга қарашли қуйидаги автотранспорт воситалари.

1992 йил и/ч ВАЗ-2109, д/р 10 АС 485, **бошланғич нархи — 1 110 413 сўм.**

1992 йил и/ч ГАЗ-31029, д/р 6900 ТНБ, **бошланғич нархи — 976 469 сўм.**

1992 йил и/ч ГАЗ-2410, д/р 6589 ТНБ, **бошланғич нархи — 672 041 сўм.**

1992 йил и/ч ГАЗ-САЗ-3507-02, д/р 0774 ТНА, **бошланғич нархи — 1 622 527 сўм.**

1992 йил и/ч ГАЗ-САЗ-3507-02, д/р 0775 ТНА, **бошланғич нархи — 1 622 527 сўм.**

1992 йил и/ч ЗИЛ-495710, д/р 0880 ТНН, **бошланғич нархи — 2 971 987 сўм.**

1989 йил и/ч ЗИЛ-ММЗ-4502, д/р 4255 ТНБ, **бошланғич нархи — 1 905 120 сўм.**

1989 йил и/ч КамАЗ-55111, д/р 8561 ТНИ, **бошланғич нархи — 4 228 604 сўм.**

1989 йил и/ч КамАЗ-5410, д/р 7097 ТНИ, **бошланғич нархи — 5 409 452 сўм.**

1989 йил и/ч ОДАЗ-9370, д/р 5689, **бошланғич нархи — 1 496 880 сўм.**

Ер майдонлари бўйича аризалар қабул қилиш савдо кунидан 3 кун, автотранспорт воситалари бўйича 1 соат олдин тўхтатилади.

Савдода қатнашиш учун харидорлар объект бошланғич нархининг 10 фоизи миқдорида гаров пули тўлашлари шарт.

Савдода қатнашиш тартиби юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин.

Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!
Сизларга янги бинога кўчиб ўтганлигимизни маълум қиламиз.
Янги манзилимиз: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, А.Қодирий кўчаси, 13-уй.
Мўлжал: Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ёнида.
Савдолар соат 10.00да бошланади.
Телефонлар: 144-44-73, 144-71-78.

«BEKTEMIR TEMIR-BETON MAHSULOTLARI» ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЎЗБЕКИСТОН-ТУРКИЯ ҚЎШМА КОРХОНАСИ АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«Bektemir temir-beton mahsulotlari» очиқ акциядорлик жамияти Ўзбекистон-Туркия қўшма корхонаси акциядорларининг навбатдаги умумий йиғилиши 2002 йилнинг 24 июнь куни соат 11.00 да жамият биносида ўтказилади.

Акциядорларнинг умумий йиғилишида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар рўйхати 2002 йилнинг 17 май куни ҳолатига кўра тузилган.

1. Жамият молия-хўжалик фаолиятининг 2001 йилдаги якунлари бўйича бош директор ҳисоботи.
2. Жамиятнинг йиллик ҳисоботларини, бухгалтерия балансларини, фойда ва зарарлар ҳисоб варағини тасдиқлаш тўғрисида.
3. Жамиятнинг 2001 йилдаги молия-хўжалик фаолиятини текшириш бўйича аудитор хулосасини тасдиқлаш тўғрисида.
4. 2001 йил якунлари бўйича жамият эришган соф фойдани тақсимлаш тўғрисида.
5. Жамият Устав фонди миқдорини ошириш тўғрисида.
6. Жамият Уставига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида.
7. Жамиятнинг 2002 йилдаги аудиторини тайинлаш тўғрисида.
8. Жамиятнинг ўз мулкини гаровга қўйиши ҳақидаги шартномани тузиш тўғрисида.

Акциядорлар умумий йиғилиши кун тартибига киритилган масалалар бўйича материаллар билан жамият маъмурий биносида танишишлари мумкин.

Маълумот учун телефонлар: 192-98-57, 192-99-64.

«Адолат» нашриёти таъсисчилиги асосида ташкил этилган «Ҳуқуқ зиёси» масъулияти чекланган жамияти
ТУГАТИЛАДИ
Даъво ва эътирозлар эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой муддат ичида қабул қилинади.
Телефон: 169-03-98.

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти жамоаси нашриёт ходимаси Зуҳра Аҳмедовага бобоси, академик **Бўрибой АҲМЕДОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.